

сигирларига қараганда: 146,1 кг ёки 4,2 фоиз ва 286,9 озуқа бирлиги ёки 8,2 фоиз кўп бўлган. II – гуруҳдаги ҳайвонлар бу кўрсаткич бўйича оралиқ ўринни эгаллашган.

Тахлил шуни курсатдики, I – гуруҳ сигирлари истеъмол қилган жами озуқасининг таркибида, ўз тенгқурлари II ва III гуруҳдаги сигирлари истеъмол қилган жами озуқасининг таркибига нисбатан мутаносиб равишда: 178,4 кг ёки 4,1 фоиз ва 440,7 кг ёки 10,1 фоиз куруқ модда, 1470,6 МДж ёки 3,4 фоиз ва 3270,3 МДж ёки 7,5 фоиз алмашинувчи энергия, 12,5 кг ёки 2,8 фоиз ва 31,2 кг ёки 6,9 фоиз ҳазмланувчи протеин, 2,8 ёки 2,1 фоиз ва 7,6 кг ёки 5,7 фоиз хом ёғ, 59,3 кг ёки 5,6 фоиз ва 99,7 кг ёки 9,4 фоиз қанд, 64,8 кг ёки 3,2 фоиз ва 144,2 кг ёки 7,0 фоиз азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ), 3,3 кг ёки 5,2 фоиз ва 4,9 кг ёки 7,8 фоиз кальций ҳамда 0,5 кг ёки 4,0 фоиз ва 0,31 кг ёки 2,3 фоиз фосфор кўп сақланган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, I – гуруҳдаги сигирлар истеъмол қилган озуқаси нафақат салмоғи жиҳатидан балки тўйимлилиқ яъни сифат жиҳатидан ҳам талаб даражасида булган. Тажрибадаги сигирларнинг умумий истеъмол қилган озуқасида кальций ва фосфор нисбати гуруҳларда тегишли равишда 5,05 ; 5,06 ва 4,98 birlikни ташкил қилган. Ушбу курсаткичлар У.Носиров (2001), А.Хушвақтов (2007), М.К.Нарбаева (2012), Қ.Ҳайдаров ва бошқалар (2012), У.Соатов ва бошқаларнинг (2014), Б.Аширов ва бошқаларнинг (2015), Қ.Ҳайдаров ва бошқалар (2015) курсаткичларига мос келади.

Шундай қилиб, турли усулда жуфтланган сигирларнинг тажриба даврида истеъмол қилган озуқаси миқдори ва сифати борасида сезиларли даражада фарқ кузатилган. Бу эса уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам турлича бўлишидан далолат беради.

Самарқанд вилоятида чорва моллари бош сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати

**Д.Абдузоирова, Б.Хамроқулов – магистратура талабалари,
А.Каҳаров – илмий раҳбар, профессор**

Самарқанд вилояти Зарафшон воҳаси ҳудудида жойлашган бўлиб, ўзининг иқлим шароити ва экологик ҳолати бўйича Республикамиз вилоятлари орасида нисбатан қулай ҳудуд ҳисобланади. Вилоятда деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини: асаларичилик, балиқчилик, қуёнчилик, қўй ва эчкичилик, чўчқачилик, қорамолчилик, йилқичилик ҳамда туячилик соҳалари ривожланган.

Маълумки, қорамолчилик бошқа вилоятлар каби Самарқанд вилоятида ҳам чорвачиликни етакчи тармоғи ҳисобланиб, барча тоифадаги хўжаликларида 2016 йил 1 январ ҳолати бўйича қора-ола, қизил чўл, бушуев, швиц, маҳаллий яхшилланган каби режали ва голштин, қизил эстон, симментал, флегфих симментали, латвиянинг қўнғир ҳамда бошқа режалаштирилмаган зотларга мансуб бўлган 1425,2 минг бош қорамол урчитилади. Шундан 327,6 боши ёки 23 фоизи сигирлардир. Бу кўрсаткичлар бўйича олдинги йилга қараганда тегишлича: 17,7 минг бош ёки 1,3 фоиз ва 5,6 минг бош ёки 0,9 фоиз ўсиш кузатилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, вилоятдаги жами сигирни 22,3 минг боши ёки 3,6 фоизи фермер хўжаликлари, 587,2 минг боши ёки 96,2 фоизи деҳқон ва аҳолини шахсий ёрдамчи хўжаликлари, 1,1 минг боши ёки 0,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда қорамолларни 63,3 минг боши ёки 4,4 фоизи фермер хўжаликлари, 1358,4 минг боши ёки 95,3 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳамда 3,5 минг боши ёки 0,3 фоизи қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар зиммасига тўғри келган. Кўриниб турибдики, вилоят хўжаликларида урчитилаётгана сосий қорамоллар бош сони деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида экан. Демак, қорамолларнинг маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан фойдаланиш учун айнан ана шу тоифадаги хўжаликларда урчитилаётган молларни талаб даражасида озиклантириб, сақлаш ва асраш шароитини ресурстежамкор-технологиялар асосида такомиллаштириш талаб этилади. Шуни ҳам ҳам унутмаслик зарурки, кўпгина хорижий мамлакатлар қорамолчилигида бунинг тескараси, яъни қорамоллар асосан фермер хўжалигида урчитилади.

Самарқанд вилояти хўжаликлари қорамолларнинг сони жиҳатдан бошқа вилоятлардан устун туради. Бунга мисол қилиб, Республика хўжаликларидида урчитилаётган (2016 йил 1 январ ҳолати бўйича) жами 11637,2 минг бош қорамолларни 1421,2 минг боши ёки 12,2 фоизи Самарқанд вилоятида урчитилишини, бу борада вилоят бошқа вилоятлар орасида биринчи ўринда туришини, ундан кейинги иккинчи ва учинчи ўринда бўлган Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида бу кўрсаткич шунга мутаносиб равишда: 1405,1 минг бош ёки 12,1 фоиз ва 1133,2 минг бош ёки 9,7 фоизга тенг бўлганлигини келтириш мумкин.

Қорамоллардан олинадиган асосий маҳсулотлар сут ҳисобланади. Сутнинг таркиби инсон организми учун муҳим ва зурур бўлган 100 дан ортиқ моддаларга бойдир. Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилаётган сут салмоғи 2015 йилда 1132310 тоннага тенг, бу эса республика хўжаликларида ишлаб чиқарилган жами сутни 12,5 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам вилоят республикада биринчи ўринда туради. Ундан кейинги ўринда бўлган Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларида тегишлича: 952542, 867361, 854334 тонна ёки 10,6; 9,6; 9,5 фоизни ташкил қилган.

Вилоятда ишлаб чиқарилган жами сут маҳсулотини 51722 тоннаси ёки 4,6 фоизи фермер, 1079456 тоннаси ёки 95,3 фоизи деҳқон ва аҳолини шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳамда 1132 тоннаси ёки 0,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар зиммасига тўғри келган.

Қорамоллардан олинадиган ва инсон истеъмоли учун муҳим бўлган енгил ва тез ҳазм бўладиган маҳсулот - гўштдир. Вилоят хўжаликларида 2005 йилда 244412 тонна (тирик вазнда) сўйиш учун қорамол ва парранда етиштирилган, бу эса Республикада жами етиштирилган 2033510 тонна тирик вазни 12,0 фоизини ташкил қилади. Маълумки истеъмолдаги гўштни 68,0 фоизини қорамол гўшти ташкил қилади. Шу ҳисобдан сўйиш учун етиштирилган жами тирик вазни 166-200 тоннасини қорамоллар ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам хўжалик тоифаси кесимида тафовут аниқланган бўлиб, бунда салмоқли ўринни деҳқон ва аҳолини шахсий ёрдамчи хўжалиги эгаллаган.

Шундай қилиб, Самарқанд вилояти хўжаликларида қорамолчилик барқарор ривожланиш босқичига ўтган, уларни маҳсулдорлик бўйича генетик салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш учун қорамолларни маҳсулдорлигига таъсир қиладиган омилларни эътиборга олиш ҳамда замон талаблари ва илғорлар тажрибаси асосида озиклантириш ва асраш шароитини ташкил қилиш биринчи галдаги вазифадир.

ТУРЛИ ЗОТДОРЛИКДАГИ ҚОРА-ОЛА ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Х.Нормамтова – талаба, М.Хасанова – ассистент,
А.Хушвақтов – илмий раҳбар, доцент в.б.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 308 - сонли ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўрисида”ги 842 - сонли қарорларида чорвачиликни жадал ривожлантириш ва чорва моллар бош сонини кўпайтириш устивор вазифа қилиб белгиланган.

Бу қарорларни ижросини таъминлаш чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва сифатини талаб даражасида етказиш, ҳайвонларни наслдорлик, пуштдорлик ҳамда технологик хусусиятларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда қора-ола зоти 10 га яқин қорамол зотлари орасида ўзининг бош сони ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Шунинг учун бу зотнинг наслдорлик, маҳсулдорлик, экстерьер, пуштдорлик ва бошқа селекцион белгиларини такомиллаштиришда ушбу зотга қариндош бўлган жаҳон генофондига хос голштин зотли